

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*Жуманова Р.Ф.*

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
ўқув қўлланма

Тошкент – 2005

## АННОТАЦИЯ

Ушбу қўлланма ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароити-да мулкчиликнинг турли шакллари асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга оширишнинг муҳим воқеаси солиқ ҳисобланади. Шундай экан солиқ тўловчиларни солиқ тўғрисидаги билим даражасини ошириш, бўлажак иқтисодчи мутахассисларга солиқларни шакллантириш ва уларга тўғри ҳисоблаш йўлларини ўргатиш ушбу ўқув қўлланмада ўз ақсини тонган. У иқтисодиёт факультетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун мўлажалланган.

Муаллиф:                    ўқит. Жуманова Р.Ф.

Масъул муҳаррир:    и.ф.и. Мажидов Н.М.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Илмий Кенгашининг 2004 йил 29 декабр мажлиси қарорига асосан  
нашрга тавсия этилган (4-сонли баённома)

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида босқичма-босқич мустақил солиқлар тизими барпо этилди.

Жамиятимизда давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги эркинлаштириш сиёсати солиқлар тизимини ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда.

Солиқ муносабатлари молия муносабатларининг таркибий қисми бўлиб молия, бюджет, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳуқуқи каби фанлари билан чамбарчас боғлиқ. “Солиқ ва солиққа тортиш” фанининг ўзига хос хусусияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатларини ўргатади. Ушбу курснинг ўқитилиши талабаларга солиқ муносабатлари тўғрисида билим ва тушулчалар беришни мақсад қилиб қўяди.

Ушбу қўлашмада солиқларнинг назарий қондалари, унинг моҳияти, принципи, усуллари, иқтисодиётда қўлланиладиган солиқларнинг турлари, шунингдек бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларни такомиллаштириш йўллари каби солиқ борасидаги асосий тушулчаларни ёритиб беришга асосий эътибор қаратилган.

## I БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

### I.1. Солиқлар ва унинг ривожланишидаги асосий концепциялар

Солиқлар – иқтисодий муносабатларнинг элг қадимий шакли ҳисобланиб, унинг вужудга келиши жамиятнинг эҳтиёжи билан боғлиқ. Солиқлар - давлат томонидан белгиланган тартибда, ставкада ҳўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахслардан ундириладиган мажбурий тўловдир. Солиқлар турли хил тўловлар кўринишида бўлиб, аҳоли даромадидан давлат ёки подшолар фўйдасига йиғилган. Улар турли ажратмалар, закотлар, бадаллар, божлар ва тўловлар кўринишида пул ва натура шаклида бўлган. Одамлар солиқларга ҳар доим икки томонлама ёндошинган: бири-қандай солиқ жорий этиши ва уни қандай қилиб йиғишни ўйласа, иккинчиси эса - қандай қилиб уни тўлаш ёки ундан қандай қочишни ўйлайди.

Солиқ тизими давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб ривожланиб келмоқда. Солиқлар жамиятда иқтисодий муносабатларнинг зарурий бўғини, давлат даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Давлат солиқ механизмидан фўйдаланиб, жамиятга, ижтимоий ишлаб чиқаришига, унинг динамикасига, структурасига ва фан-техника тараққиёти ҳолатига иқтисодий таъсир кўрсатади.

Давлат тузилмаси шаклининг ўзгариши ҳар доим солиқ тизимининг ўзгаришига олиб келади. Тарихдан маълумки, юқори солиқлар базнага тушадиган умумий миқдорини камайтиради, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши йиғимлар суммасини кўпайтиради. Иккала ҳолатда ҳам самара давлатнинг аниқ солиқ сўбсати ҳамда вужудга келган шароитлар натижаси ҳисобланган.

Рус ёзувчиси Николай Тургенев ўзининг “Солиқ назариясининг тажрибалари” (1818) китобида: “... номақбул солиқ тизими тарихдан кўриниб турибдики, ишдерландлар Испаниядан, швейцарлар Австриядан, фрисландлар Даниядан ва шўхоятда казаклар Польшадан мустақил бўлиб чиқиб кетишига сабаб бўлган” - деб ёзади. Бу билан у солиқ ва молчидаги номақбулликлар, солиқларнинг халиқдан потўғри йиғилиши турли хил революция ва тўнтариларга олиб келади, дейди.

Солиқлар қадим-қадимдан инсон тараққиёти цивилизациясининг илк бошидан шаклланган. Солиққа тортишнинг ривожланиши шакли ва методларини 3 та йирик босқичга бўлиш мумкин:

1-босқичта босқичда солиқларни йиғишда давлат ўзининг молиявий аппаратыга эга бўлмаган. Давлат ўзига керак бўлган маблағнинг умумий миқдорини аниқлаб берган, солиқни йиғиш эса шаҳар ёки жамоага топширилган.

2-босқичда (16-19 аср) давлат муассасалари таркиб топа бошлайди. Шу жумладан, молиявий муассасалар ҳам, давлат функциясининг бир қисmini ўзининг бўйига олади, яъни солиқда тортини квотасини белгилайди, солиқларни йиғиш жарафини кузатади.

3-замонавий босқичда давлат солиқларни белгилаш, солиқда тортини каби функцияларни ўз қўлига олади. Маҳаллий бошқарув органлари давлатнинг ёрдамчилик ролини бажаради.

Солиқда тортинининг ибтидоий (бошланғич) шакли қурбонликлар билан бошланган. Бу қурбонликлар ўзининг хоҳини билан бўлмаган, балки ҳар бир диннинг буюк китобларида ердан, молдан ва дарахтдан олган хослидан маълум бир қисми қурбонлик қилиниши керак (мачитга, черковга) дейилган.

Қадимги Грецияда эрампдан аввалги 7-6-асрда давлатни асосини қураётган ваколатли арбоблар даромадга солиқ жорий этинган. Бу эса даромаднинг 1:10 ёки 1:20 ҳажмида киритилган. Ақиқат йиғимлари (шаҳар дарвозасида) ҳам бўлган. Бу маблағлар ёлланган армияни сақлашга, шаҳар атрофини мустаҳкамлашга, черковлар қурилишига, водопровод, йўл қурилишига, байрамларни ўтказишга, камбағалларга пул ва озиқ-овқат тарқатишга харажат қилинган.

Ўша даврда Афишада солиқ солинига қарши чоралар қўрилган. Масалан, у ерда эркин одам солиқ тўламаслиги билан ажралиб туради. Эркин фуқаролар солиқ тўлашни ўзлари учун каментини деб билганлар. Афиналиклар ўзларининг хоҳинилари билан қурбонлик қилишга тайёр эдилар. Улар урушда муваффақиятсизликка учраган душмандан солиқ ундиришни ҳуш қўрардилар. Агар йирик харажатлар кутиладиган бўлса, жамоатчилик йиғилишида даромаддан фонд ажратмаларини белгилашарди.

Римда тинчлик даврида солиқлар бўлмаган. Шаҳарни бошқаришдаги харажатлар минимал бўлган, сайланган магистратлар ўзларини маблағларини қўйиб вазифаларини бажарардилар ва бу улар учун фахрли эди. Асосий харажатлардан бири бу биноларни қуриш бўлган, бу харажатни эса ериш ижарага беришдан олган фойда ҳисобига қопланарди. Уруш даврида Рим фуқаролари моддий шароитига қараб солиқда тортилган. Солиқ ҳажминини (ценз) ни амаалдор цензорлар ҳар 5 йилда белгилардилар. Рим фуқаролари